*ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!*

# MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 15 (293) 2002 йил 10 апрель, чоршанба. Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган. Сотувда эркин нархда

«Бизнинг олдимизда турган яна бир муҳим ва долзарб вазифа - у ҳам бўлса, «Кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш» деган шиорни амалда рўёбга чиқаришдир.

Бу мақсадга эришиш учун, биринчидан, давлатимизнинг марказий ва юқори бошқарув органлари ваколатларини босқичма-босқич қуйи тизимга, шу жумладан, ўзини ўзи бошқариш тузилмаларига ўтказиш талаб қилинади.

Булар қаторида биз, биринчи навбатда, ўзини ҳар томонлама оқлаган маҳалла тузилмасини кўзда тутамиз».

**Президент Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясидаги маърузасидан.**

# АСРИМИЗ МАҲАЛЛАСИ— АСРИМИЗ МЎЖИЗАСИ

## У қандай бўлиши ҳақидаги концепция муҳокамада

Мамлакатимизда маҳаллалар нуфузи ва мавқеини ошириш, фаолиятини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада «Маҳалла» хайрия жамғармаси аҳолининг тарихан таркиб топган удум, анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитишга ҳар томонлама кўмаклашиш, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етим-есирлар, ёлғиз кексаларга инсонпарварлик, моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида самарали фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасида мазкур қўмита, Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувини такомиллаштириш ва давлат хизмати ислоҳотини амалга оширишга кўмак бериш Тасис лойиҳаси, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорлигида уюштирилган «XXI аср маҳалласи» концепцияси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилишда бу борадаги ишларни янада жонлантириш ҳақида гап борди.

Олий Мажлиснинг мазкур қўмитаси раиси А.Саидов «XXI аср маҳалласи» концепцияси зарурияти ва аҳамияти» хусусида, Тасис лойиҳаси раҳбари Р.Янг мазкур концепциянинг халқаро аҳамияти ҳақида, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси А.Гадойбоев жамғарманинг аср бошидаги муҳим вазифалари борасида маъруза қилдилар. Маърузачилар ва муҳокамага сўзга чиққанлар концепциянинг мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан мустақиллик йилларида фуқаролар ўзини ўзи бошқарувининг муҳим жамоатчилик органи - маҳалланинг мавқеини қайта тиклаш борасидаги кўрсатмаларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилганини таъкидлади. Концепциянинг қоидаларини ишлаб чиқишда неча минг йиллик миллий қадриятларимиз билан бир қаторда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш жаҳон хартияси ва Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа хартияси талаблари ҳам ҳисобга олинган.

Концепцияда фуқаролар йиғини - маҳаллалар ҳудудида фаолият кўрсатадиган ўзини ўзи бошқариш органларининг энг юқори органи сифатида аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга экани алоҳида таъкидланган. Концепция қоидаларини ҳаётга татбиқ этишдан мақсад давлат органларининг айрим ваколатларини, куни кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис саккизинчи сессиясида таъкидланганидек, маҳаллалардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма босқич топшириш орқали давлат ва жамият қурилишини эркинлаштиришни таъминлаш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга кўмаклашишдан иборатдир.

Зеро, маҳалла бевосита демократия институти, маҳаллий бошқарувнинг, миллий модели, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органларининг негизи ҳисобланади. Унда халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда кенг кўламда ахлоқий, маънавий ва тарбиявий вазифалар амалга оширилади. Маҳаллалардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолият юритиши - жамиятни ислоҳ қилиш жараёнига аҳоли кенг қатламларининг ташаббускорлигини ҳамда халқимизнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини мумкин қадар кўпроқ жалб этиш имконини беради.

Йиғилишда концепция лойиҳасини янада такомиллаштириш борасидаги таклиф ва мулоҳазалар айтилди.

**ЎзА ва ўз мухбиримиз хабарлари асосида.**

# БУХОРО ЮНЕСКО МУКОФОТИГА САЗАВОР БЎЛДИ

***Бухоро шаҳри Осиё ва Тинч океани минтақаси бўйича «Шаҳарлар тинчлик учун ЮНЕСКО мукофоти»га сазавор бўлди.***

***Мукофот Марокашда ЮНЕСКО бош директори Коичиро Мацуура томонидан топширилди. Тақдирлаш маросимида Бухоро шаҳри ҳокими Карим Камолов қатнашди.***

Бу мукофот икки йилда бир марта танлов асосида дунёнинг бешта минтақасидан бешта шаҳарга тақдим этилади. 2000-2001 йиллар учун ўтказилган танловга 76 та шаҳар номзоди қўйилганди.

Мазкур халқаро мукофот 1996 йилда таъсис этилган. Бундан кўзланган мақсад дунё узра тинчлик маданияти ғояларини кенг тарғиб этиш, ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш, аҳоли турмуш фаравонлигини ошириш борасида яхши натижаларга эришган шаҳарларни тақдирлаш ҳамда халқаро миқёсда шаҳарлараро ҳамкорликни ривожлантиришдир.

Бухоро ЮНЕСКОнинг ушбу мукофотига шаҳардаги тарихий обидаларни сақлаш ва қайта тиклаш, шунингдек, ижтимоий бирдамликни мустаҳкамлаш, турли миллатлар ва диний жамоалар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари эвазига эришди.




*Навоий вилояти*

# ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТАДИ

***Бу йил баҳор юртимизга ўзгача бир шукуҳ ва ўзгача бир баракот билан кириб келди. Айниқса, бу йилги об-ҳаво ҳар йилгидан кўра кескин фарқ қилади. Йилнинг серёғин келиши, сувнинг кўпайиши, юртимизнинг кўм-кўк либосга бурканганлиги халқимизнинг бу йилги ҳаёти янада фаровон, ризқи-рўзи улуғ бўлишидан дарак бериб турибди. Ҳашар - халқимизнинг азалий удумларидандир. Тозалик ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилиши Навоий вилояти маҳалладошларининг ҳам куч-ғайратига ғайрат қўшди.***

Вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси бошқаруви барча навоийликларга «Озод Ватанга обод маҳалла ярашади» шиори остида мурожаат қабул қилди. Барча туманларда фуқаролар ўз жонажон ҳудудларини обод қилишга киришдилар. Ариқлар, зовурларни чиқиндилардан тозалаш, ўқув муассасалари, шифохоналар, яслилар, бозорлар, уйлар, кўчалар йўл ёқалари, хуллас барча жойларни супуриб тозаланмоқда. Ариқлар ёнларига, кўчалар атрофига ҳар хил мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Вилоят бўйича бир миллиондан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар ўтказилди. 2114 гектарга яқин майдон ободонлаштирилиб, 3175 тоннага яқин чиқит чиқарилди. Кўплаб ҳомий ташкилотлар саховат кўрсатиб, вилоят «Маҳалла» жамғармасига маблағларини ўтказдилар. Навоий тоғ металлургия комбинати, «Навоийсавдо», Пахта тозалаш заводи, Навоий дон маҳсулотлари ҳиссадорлик жамияти, СМУ-2 қурилиш ташкилотлари шулар жумласидандир.

- Ушбу йилда табиат ҳам ва бунга ҳамоҳанг тарзда ҳукуматимиз ҳам бизни сийламоқда, - дейди вилоят оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Ҳ.Аҳмедов, - умумхалқ ҳашари ўтказилиб, бир кунлик иш ҳақи жамғармамиз ҳисобига ўтказилиши бу ишларга қанот бўлмоқда.

**Ҳабибулла ҲОШИМОВ,**
**«Mahalla» мухбири.**

## ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

**Гаагада Югославиянинг собиқ президенти С.Милошевич иши юзасидан олиб борилаётган суд жараёни кечадан яна иш бошлади. Суд бундан уч ҳафта олдин Милошевичнинг бетоблиги туфайли тўхтатилган эди. Маҳкама жараёни ёпиқ эшиклар ортида ўтказила бошланди. Чақирилган гувоҳларнинг кимлиги ҳам сир тутилмоқда.**

***

Ироқ президенти Саддам Ҳусайн мамлакатда қазиб чиқарилаётган нефт экспортини бир ойга тўхтатилишига фармон берган. Президент Фаластин халқини қўллаб-қувватлаш чораси сифати бу ишга қўл урган. Маълумки, мамлакат кунига икки миллион баррел «қора олтин» қазиб олиб шунинг учдан бир қисмини АҚШга жўнатар эди. Ироқнинг бу тадбири туфайли жаҳон бозорида ҳар баррел нефтнинг нархи 27 долларга кўтарилган.

***

**Исроил қўшинлари кейинги кунларда олиб борган ҳаракатлари натижасида 1700 дан ортиқ фаластинликларни асир олган. Ўн бир минг аҳоли яшайдиган Жинин шаҳарчасига 25 та ракета ташланиши оқибатида юздан ортиқ аҳоли ҳалок бўлган. Ё.Арафат ҳамон қамалда. Исроил аскарлари баъзи жойларни ташлаб чиққанлари билан ҳали жанглар давом этмоқда. Бош вазир А.Шарон ҳеч қандай шартларсиз араб давлатларининг бошлиқлари билан учрашишга розилик билдирган.**

***

Яқин Шарқ масаласида АҚШ тутаётган бир ёқлама сиёсат халқаро майдонда яхши кутиб олинмаётганлиги боис президент Ж.Буш Исроилдан эгаллаган Фаластин ерларидан зудлик билан чиқиб кетишини талаб қилишга мажбур бўлган. Бундан ташқари у давлат котиби К.Паулни Исроил ва Фаластин ўртасидаги музокараларни йўлга қўйиш мақсадида бир нечта араб давлатларига юборди.

***

**Афғонистон вақтли маъмуриятининг ҳарбий вазири М.Фаҳим Жалолободга қилган ташрифи чоғида унинг машинаси ёнида портлаш рўй берди. Унинг натижасида беш киши ҳалок бўлиб, ўн саккиз нафар аҳоли жароҳат олган.**

***

Олмаотада Евроосиё ташкилотининг икки кунлик йиғилиши иш бошлади. Ушбу анжуманда Ўрта Осиё, Россия, Эроннинг юқори мартабали вакиллари шунингдек, жаҳоннинг йирик банкларидан келган меҳмонлар иштирок этмоқда. Мажлис иштирокчилари мамлакатларнинг ривожланиш йўлларини ишлаб чиқишмоқчи.

***«Mahalla»га жавоб келди***

# ЧОП ЭТИЛМАДИ, АММО МУАММО ҲАЛ ЭТИЛДИ

***Таҳририятга Ангрен шаҳридаги бир нечта ўзини ўзи бошқариш органлари раислари имзоси билан шаҳардаги маҳаллаларни иш анжомлари, алоқа воситаси билан таъминлашдаги, идоралар ва гузарлар қурилишидаги сусткашликлар, молиялаштириш ишларидаги камчиликлар туфайли юзага келаётган маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ишларидаги муаммолар юзасидан шикоят хати келганди. Ушбу арзномани Ангрен шаҳар ҳокими эътиборига ҳавола қилгандик. Яқинда ушбу масала юзасидан қуйидаги мазмунда жавоб хатини олдик:***

«Шаҳарда ўзини ўзи бошқариш органларининг идоралари ва 17 таянч пунктлари бинолари таъмирланди. 13 та маҳалла идораси телефон алоқаси ва канцелярия жиҳозлари билан таъминланди. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамларни ўз вақтида тўлаб бориш учун тегишли маблағлар ажратилди.

2002 йил 1 январь ойидан бошлаб маҳаллалар орқали аҳолига бериладган моддий ёрдам пуллари учун етарли даражада маблағ ҳажми оширилди.

Маҳаллалар ҳудуди ва аҳолиси сони инобатга олиниб, Ёшлик маҳалласи ҳудудида Кимёгар маҳалласи ташкил этилди.

Ариза муаллифлари иштирокида бу ҳолат муҳокама қилиниб, ўзгаришлардан воқиф қилинди.

**Тошкент вилояти Ангрен шаҳар ҳокими А.ЮСУПОВ».**

# ЙЎҚОЛГАН АВТОСАРОЙ

## У маҳалла аҳли югур-югурларидан сўнг тикланди

***Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги каттакон автосарой бундан уч йилча аввал ўз-ўзидан йўқолди қолди! Шу ишхона ҳайдовчиларининг айтишларича, сабаби номаълум эмиш!***

Раҳбарлар дастлаб автосаройни марказроқ жойга кўчириб келтиришди. Буни бир томондан оқлаш мумкин. Туманнинг ҳамма тарафига транспорт хизмати кўрсатиш, ёқилғи-мойлаш материалларини тежаб-тергаш кўзда тутилгандир, балки. Шундан сўнг нима бўлди, дерсиз? Автосаройни Чорвоқ қўрғонига қайта кўчириб кетдилар. Собиқ ишхонада бу пайтда тузуккина иш олиб бориш учун бирон бир шарт-шароит йўқ эди. Бундай аҳволда, табиийки, автосарой узоқ яшай олмади ва юқорида айтганимиздек, бирданига йўқ бўлди-қолди! Оқибатда неча одамлар ишдан ажрагани етмагандек, ўнлаб қишлоқ ва қўрғонлар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш қониқарсиз аҳволга тушди. Худди шуни кутиб тургандек, шахсий транспорт эгалари истаган нархларини қўйиб, ҳамма жойда тартибсиз ва пала-партиш хизматга киришиб кетдилар. Табиийки, туман аҳолисини бундай хизмат қониқтира олмади. Одамлар тирикчилик, ўқиш ё иш ташвишида шаҳарга тез-тез қатнаб туришлари лозим.

Биз Бўстонлиқ тумани аҳолиси номидан мактублар кўтариб Чирчиқ ва Тошкент шаҳарларига қатнай бошладик. Бироқ, раҳбарларнинг автобус қатновини тиклаш ҳақида берган ваъдаларига ишониб, неча-неча йиллар ўтди. Ниҳоят, Ғазалкент шоҳбекатида шу масала хусусида ўтган йил охирида муҳокама бўлди. «Тошвилтранс», Чирчиқ шаҳар автосаройлари вакиллари иштирокида бўлган бу йиғилишда «Чирчиқ - Хондайлиқ» йўналишида албатта автобус қатнайди», деган хулосага келинди. Хурсанд бўлдик. Чиндан ҳам Чирчиқ автосаройидан битта автобус қатнай бошлади. Уни бошқараётган Ҳаётбек исмли йигитга шахсий транспорт эгалари халақит бермаслиги учун дастлабки кунларда кузатувчи бўлиб бориб келдик. Бир марта бориб келишнинг ўзида ўн минг сўмдан зиёд пул тушди. Ҳайдовчи Ҳаётбек ва директор муовини Аҳмаджон Ёқубов «Бу йўналишдаги ҳаракатдан хурсандмиз, режа бажариляпти», деб бизни юпатиб қўйдилар. Ўн кунлар чамаси қатнагач, Ҳаётбекнинг автобуси бирдан йўқолиб қолди. Уни излаб яна Чирчиқ шаҳрига бордик. Директор муовини ҳар кунги йўл ҳақи жадвалини кўрсатди. Унда ёзилишича, биз назорат қилган бир кундан бошқа вақтда режа бажарилмаган экан...

Бундай тутуруқсиз жавобларни эшитиб юрганимизга учинчи йил бўляпти, ахир. Улардан тайинли жавоб ҳам, иш ҳам чиқмаслигини тушуниб етганимиздан сўнг Чирчиқ шаҳри транспортчилари кўмагидан умид уздик.

Бўстонлиқ тумани ҳокимиятида аҳолига транспорт хизматини яхшилаш масаласида махсус йиғин ўтказилди. Умумий хулоса шундай эди: ҳар доимгидай йиғинларда гапириб-гапириб, сўнг индамай кетавериш керак эмас.

Бўстонлиқ туманидаги 125-автокорхона директори Файзулла Йўлдошевнинг ўзи ҳам йўқолиб қолган автосаройни тиклаш ҳаракатида юрган экан, кўп ўтмай анча йўналишларда автобус ҳаракатларини изга солиб юборди. Шулар қаторида Ғазалкент - Хондайлиқ оралиғида ҳам автобуслар қатнай бошлади. Бунда «Тошвилтранс» ассоциацияси раиси М.А.Каримовнинг катта ёрдами бор.

Энди Бўстонлиқ туманининг бўлажак автосаройига Чирчиқ шаҳри ва бошқа туманлар томонидан олдин Бўстонлиқдан олиб кетилган яроқли автобусларни қайтариш, умуман тоғли ҳудудни инобатга олган ҳолда техника ажратилса, иш кўнгилдагидек кетарди. Бу масалани вилоятдаги «Тошвилтранс» раҳбарлари одилона ҳал этиб беришлари лозим.

**Асад АСИЛ,**
**ёзувчи.**

ШУ СОННИНГ

2-САҲИФАСИДА

** Соҳибқирон Амир Темур ҳунармандлари*

** Умри узун, қадри баланд кексаларимиз.*

3-САҲИФАСИДА

** Маҳаллангиздан «Mahalla»мизгача масофа яқинлигини синамоқчи бўлсангиз, бизга мактуб ёзинг.*

4-САҲИФАСИДА

** Совчилар совчилик сирларидан айримларини айтишди, айримларини эса...*

** Чувалчанг чиндан ҳам кўп дардга малҳам экан...*

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар:
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-53-75
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

Кўклам - меҳнат билан кўркам.Кўзларимизни яшнатиб, кўнглимизни яйратаётган яшилликларнинг бариси меҳнатимизнинг самараси. Бугунги кунларда маҳаллаларимизда баҳорги юмушлар авжида. Қурилиш ва тузатиш, ҳар қарич ерни обод қилиб, гулу гулзорга айлантириш, боғ-роғларни парваришлаш ишларига кенг аҳамият берилаётир. Хуллас, маҳаллада ҳаёт қизғин. Хайрли ва савоб юмушлар, эзгу тадбирларга бош бўлувчилар кўп.Маҳалла оқсоқоллари, фаоллари, кўпни кўрган кексалар оқилона маслаҳатлари,ўз сайъи-ҳаракатлари билан маҳалла ободончилигига ҳисса қўшишмоқда. Таҳририятимизга келаётган хат-хабарларнинг аксариятида ана шулар ҳақида ҳикоя қилинади.

# «MAHALLA»га Мактуб



*Фикр*

## ОҚСОҚОЛНИНГ ОБРЎСИ НИМАДА?

### Биз кўпроқ меҳнатда деб биламиз

***Маҳалла оқсоқоллигига сайланганимда дастлаб ишни нимадан бошлашни билмай бошим қотди. Май қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли бўлган бу маҳалланинг ўзига хос ташвишу муаммолари бор эди. Бунинг устига шу масканда кўпни кўрган қариялар, зиёлилар анчагина. Уларнинг ҳар бири «Қани, янги оқсоқолимиз қандай ишларкин?» дея ўзларича мени синовдан ўтказаётгандек бўларди. Мен ишни ана шу инсонлар билан маслаҳатлашишдан бошладим.***

Хуллас, маҳалламизда бир нечта ҳисоб рақамлари очдик. Ана шу ҳисоб рақамлари орқали маҳалладаги ёш гўдаклари бор оналар ва кам даромадли хонадонларга ойма-ой нафақа бериб борилади. Булардан ташқари, тарбиявий ишларни ташкил этувчи масъул ходимларимизга зарур шарт-шароитлар ҳам яратдикки, улар бундан буён турли мутахассисликдаги малакали шахслар билан биргаликда ёшлар ўртасида ҳуқуқий, тиббий мавзудаги суҳбатларни ўтказиш имконига эга бўлишди. Тарбияни яхшилашнинг энг қулай йўли маънавият ўчоқларини қарор топтиришдан иборат. Шу мақсадда китобхонликни йўлга қўйдик, таъмирдан чиққан дам олиш хоналарида фуқароларимиз қизиқарли китоблар, газета-журналларни ўқиб борадилар.

Маҳаллани обод қилиш, қурилиш ва бунёдкорлик ишларини бажариш ҳамда ҳовлилар атрофини гулу гулзорга айлантириш аслида доимий вазифаларимиз қаторида туради. Лекин бундай юмушларга ҳар бир маҳалла ўзича ёндошади. Биз эса яратувчанлик ишларини бажаришда фақат фаолларимизнинг эмас, балки ҳомийларимизнинг кўмагига ҳам таянаяпмиз. «Тўмарис» хусусий корхонаси раҳбарияти гузаримизни қайта таъмирлаб, кенгайтиришга ҳисса қўшди. Саккизта кўчанинг ҳаммаси кенг миқёсда ободонлаштирилди, чиқиндилардан тозаланиб, гул кўчатлари экилди. Ҳа, етакчи бўлиш осонмас, лекин оқсоқолни маҳалла аҳлига маъқул ва манзур қиладиган унинг меҳнатидир.

**Тоживой ВАҲОБОВ.**
**Қибрай тумани.**

**Тошкент вилояти.**

*Тарбия*

## ЖИНОЯТЧИЛАР КАМАЙДИ

***Маҳалла ҳар қадамимизни назорат қилувчи, тўғри йўлга бошловчи куч. Биз тарбия масаласида маҳалла тизими фаолиятидан ҳамиша ҳам ўринли фойдалана оляпмизми? Самарқанд вилояти Боғишамол тумани Оқсоқоллар кенгаши «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси Ваҳоб ака НАЗАРОВ билан суҳбатимиз ҳам шу мавзуда бўлди.***

-Маҳалла оқсоқоли ўз маҳалладошларини яхши билиши керак. Акс ҳолда, у тўлақонли оқсоқол бўла олмайди.Бизнинг ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда ўтказаётган тадбирларимизда ҳам оқсоқолларнинг билимдонлиги катта самара бермоқда.

Барча маҳаллаларда участка нозирларига таянч пунктлари ташкил қилинмоқда. Илгари судланган, сурункали алкоголизмга чалинган ва жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсларни аниқлашда ва уларни бу йўлдан қайтаришда айнан маҳалла фаоллари ҳуқуқ органларига катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Аввало, биз бундай кишиларни иш билан таъминлаш ва обрў-эътиборли отахонларимизнинг маслаҳатлари орқали тўғри йўлга қайтаришга уринамиз. Бу эса туманимизда жиноятчиликни камайтиришга, айниқса ўсмир ёшларимиз ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга имкон яратади. Маҳалла оқсоқолларининг ота-оналар билан учрашувлар ўтказиб туриши, уларни фарзанд тарбиясига лоқайд бўлмасликка чақириши ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Барча маҳаллаларда оқсоқоллар, фахрийлар, ички ишлар бўлими ходимлари ва диний идоралар вакилларидан иборат комиссиялар фаолият юритмоқда.

Албатта, буларнинг барчаси яхши, аммо ҳар бир иш ўз самарасини бергандагина аҳамиятлидир. Зеро, маҳалла аввалдан тарбия ўчоғи, маънавият маскани бўлиб келган. Шу маскан фаолиятини такомиллаштириш эса ҳар биримизнинг бугунги энг муҳим вазифалардан биридир.

**Салоҳиддин САНАҚУЛОВ.**

**Самарқанд вилояти.**

*Янгилик*

***Хонқа шаҳарчасида бир нечта «Милиция таянч пункт»лари самарали фаолият кўрсатмоқда. Туман Ички ишлар бўлими бошлиғи милиция подполковниги М.Матниязов ва шаҳарча катта участка нозири милиция майори И.Олимовнинг ташаббускорлиги билан йўлга қўйилган бу таянч пунктларида маҳалла посбонлари тузилмалари бурчаги ташкил қилинган.***

***Шаҳарча ҳудудидаги 12 та маҳаллада 24 нафар маҳалла посбонлари ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамжиҳатликда иш юритишмоқда.***

## НОЗИРЛАР-ҲУШЁР

- Қаерда тартиб интизом бўлса, ўша ерда хотиржамлик бўлади - дейди у. - Маҳаллаларда аввало тинчликни асрашимиз, оилалардаги ўзаро муносабатларни барқарор сақлашимиз зарур. Шу мақсадда уларга намунали хизмат кўрсатишни ташкил қилдик. Шаҳарчадаги милиция таянч пунктларида отахон-онахонлар билан маслаҳатлашув хоналари мавжуд, - дейди Шаҳарча катта участка нозири Илҳомбой Олимов.

Шаҳарча посбонлари Озод Матяқубов, Илҳом Ҳаитов, Ислом Жабборов, Муҳаммад Суванов, Шихназар Юлдошев, Рустам Ахмедов, Ҳамза Мирсаяпов, Риза Хўжаев, Рустам Турдиев, Равшан Матирзаевлар меҳнатидан маҳаллада истиқомат қилаётган аҳоли беҳад миннатдордир.

Ҳа, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик бор жойда ютуқлар ҳам мўл бўлади. И.Олимов, А.Саидов, Х.Муллаев, Ш.Жуманиязов ва А.Жуманиязовларни шаҳарчада ҳар бир хонадон аҳли танийди. Улар вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларида турли суҳбатлар ўтказиш ниятида боғча, мактаб ва маҳаллаларга тез-тез ташриф буюрадилар.

Тинчлик - муқаддас. Юртимизнинг тинч ва осойишта бўлишига ҳар биримиз ҳисса қўшишимиз керак. Агар маҳалладаги ҳар битта хонадон тинч бўлса, эл-улус хотиржам яшайди. Бу эса юртимиз осойишталигига муносиб улуш бўлиб қўшилади.

Шаҳарча маҳаллаларидаги ҳушёр нозирлар бу нарсани яхши билишади.

**Ш.ХЎЖАНИЯЗОВ,**
**Хонқа шаҳарча фуқаролар йиғини раиси.**

**Хоразм вилояти.**

*Таассурот*

## ТАЖРИБА АЛМАШИШ ФОЙДА ЭКАН...

***Шаҳар ҳокими ташаббуси билан «Маҳалла» жамғармаси шаҳар бўлинмаси ходимлари ва маҳаллалар фаолларидан иборат гуруҳ Марғилон томон йўл олишди.***

Ушбу шаҳардаги маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб чиқишга киришилди. Маҳаллаларда қай хил ибратли тадбирлар олиб борилмоқда? Тарбиявий-маърифий ишлар қай тарзда амалга ошириляпти? Ободонлаштиришга эътибор кучайтирилганми? Йўрмадўз, Янгибоғ, Бобур номли маҳаллалардаги ишлар билан танишаётган гуруҳ худди шундай саволларга жавоб қидиришди. Йўрмадўзликлар (бу маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мунаввар Ғозиева) истиқлол йилларида кўпгина яратувчилик юмушларини бажаришган. Бундай ишлар махсус фотоальбомда ҳам акс эттирилибди. Маҳалладаги милиция таянч пункти шаҳарнинг ҳуқуқий идоралари билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани сабабли кейинги йилларда ёшлар ўртасида жиноятчилик ҳолатлари кескин камайган. Ҳар бир кўчага икки нафардан кўчабоши бириктилган. Маҳалладаги чиқиндиларни олиб чиқиш махсус жадвалга кўра бажарилади. Бобур номли маҳалла (оқсоқоли Мамасиддиқ Аббосов) эса кўпдан буён ўз ҳисоб рақами ҳамда маблағига эга. Ушбу маҳаллада зиёлилар кўпчиликни ташкил этиб, уларнинг ҳаммаси маънавий-маърифий ишларни кучайтиришда ёрдамларини аяшмайди. Янгибоғ (маҳалла оқсоқоли Тўлқин Нуриддинов)ликлар ўз гузарини жуда кўркам қилиб безатишибди. Бу маҳаллада оилаларни мустаҳкамлашга оид суҳбат ва учрашувлар тез-тез ўтказиб борилади. Шу учун ҳам маҳаллада оилавий ажримлар йўқ, ҳисоби.

Марғилон деҳқон бозори, истироҳат боғи ва никоҳни қайд этиш идоралари ҳамма учун қулай жойга қурилган. Шу куни меҳмонлар Марғилон шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Аъзамжон Акрамов суҳбатида бўлишиб, шаҳарда орасталик бўйича амалга оширилаётган ишлар режаси билан танишдилар. Шундан сўнг буюк бобокалонимиз Бурҳониддин ал Марғиноний ёдгорлиги зиёрат қилинди.

Ўзаро тажриба алмашиш ишни яхшилашда муҳим ўрин тутади. Маҳаллалар ҳаётига, турмуш тарзига янгиликлар олиб киришда ҳам бу усулларни қўллаш фойдалидир. Саёҳатдан сўнг маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари ўзларига режа ва тадбирлар белгилаб олишди.

**М.ТУРҒУНОВ,**
**Наманган шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши,**
**«Маҳалла» жамғармси туман бўлинмаси раиси.**

*Ҳиммат*

## ҲАЁТЖОН АКА БОШ БЎЛДИ

***Ҳаётжон Мамажонов Сўх туман «Матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси. Унинг етакчилигида савдо маданиятини ошириш, қишлоқларда янги савдо, умумий овқатланиш нуқталарини қуриш, янги иш ўринлари яратиш ва қишлоқларни ободонлаштириш борасида анча ишлар амалга оширилди.***

Варган массивида «Матлуботсавдо» бирлашмаси ёрдамчи хўжалиги учун 50 га ер ўзлаштирилиб, насос орқали сув чиқарилди. Ёрдамчи хўжаликда 130 бош қорамол ва 250 бош қўй ва эчкилар парвариш қилиниб, у ерда ҳар йили 10-12 тонна гўшт тайёрланмоқда.

**З.ДОМУЛЛАЕВ.**

**Фарғона вилояти,**
**Мулғон қишлоғи.**

*Фидойилик*

## МИНГНИ ЭРГАШТИРИБ...

***Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги Хислат маҳалласида яшовчи 81 ёшли Абдулҳамид ҳожи ота Омонов қаровсиз ётган бинони ўз маблағлари ҳисобидан қайта тиклади.***

**Қўшимча беш хонали иморат барпо этди. Эндиликда бу биноларда «Кундалик эҳтиёж моллари» дўкони, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, новвойхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси фаолият кўрсатмоқда. Бундан маҳалладошлар, айниқса қариялар мамнун. Чунки улар учун бу ердаги чойхона ҳам қайта таъмирланди. Ёшлар учун шашка-шахмат тўгараклари ташкил этилган. Яна бир хона эса маънавий-маърифий тадбирлар учун мўлжаллан-ган.**

**- Бирликда гап кўп экан - дейди маҳалладош Абдулҳамид ҳожи ота. - Сув қувури ёрилибдими, уйимизнинг орқасини сув босиб кетди. Қўни-қўшнилар билан маслаҳатлашиб, йиғилиб қолган сувни ариққа оқизиб, балчиқ ва ахлатларни тозаладик. Бу ҳашар деганлари ажойиб удумда ўзи.**

**- Айниқса, баҳор ойидаги ҳашарларимизга ҳамма қатнашади, - дейди Эркин Набиев - маҳалладошлар йўл четларини, уй атрофларини тўлдириб гул экамиз. Ёзга бориб маҳалламиз гулзорга айланади.**

**- Маҳалламизда ҳожатбарор инсонлар кўп. Айниқса Абдулҳамид Омоновнинг саховатпешаликларидан барчамиз хурсандмиз. Ахир «Бирники мингга» дейдилар. Бу ердаги кичик корхонани у кишининг ўғиллари Абдумажид Омонов бошқаради, - дейди маҳалла оқсоқоли Саидакмал Шокирхўжаев.**

**Беҳзод ШУКУРОВ.**

*Тараддуд*

## Спорт байрамига келинг

***Май ойида Бухоро шаҳрида ўтказиладиган мамлакатимиз ёшларининг катта спорт байрами «Универсиада - 2002» анжуманига тайёргарлик қизғин.***

Мавжуд таъмирлаш ва қурилиш корхоналари томонидан «Бухоро» марказий ўйингоҳи замонавий меъморлик услубида қайта барпо этилмоқда. 25 минг томошабинга мўлжалланган бу ўйингоҳда спортнинг барча турлари бўйича мусобақалар ўтказилади.

Шаҳарда ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари кўзга кўринган бино ва иншоотларда - Бухоро давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти «Семурғ», «Ёшлик», «Ситора» каби спорт мажмуалари Абу Али Ибн Сино номидаги маданият саройи ва «Варахша» меҳмонхонасида айниқса жадал олиб борилаяпти.

Май ойида бўлиб ўтадиган анжуманга нафақат мамлакатимиз, балки Хитой, Германия, Жанубий Корея, АҚШ ва Англия каби қатор давлатлардан спортчи талабалар таклиф этилади. Меҳмонлар кўҳна Бухоронинг тарихий обидаларини зиёрат қилиш имкониятига ҳам эга бўладилар.

**Шавкат НОСИРОВ.**

***Бухоро вилояти***

*Эътироф*

## ҚИШЛОҒИМИЗДА ШИФОХОНА БОР

### Бунинг учун ҳокимга раҳмат.

***Биз тоғли қишлоқда яшаймиз. У ёки бу эҳтиёжларимиз учун туман марказига бориб келиш ҳамишаям осон кечавермайди. Айниқса қишли-қировли ёхуд иссиқ жазирама кунларда кимдир беморланса, хонадон аҳли ташвишга тушар эди.***

Негаки, шифохонага салкам 50 километр йўл босиб бориш зарур бўларди. Кимдир бунга улгурарди, кимдир эса йўқ... Хуллас, касалхонанинг бизга олислиги энг катта муаммо эди. Туманимиз ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Тўрақул Ҳамроевнинг ўзи бош-қошлигида қишлоғимизда замонавий шифохона қад кўтарди. Эндиликда ёшу қари ана шу шифохона хизматидан баҳраманд бўлишаётир. Эл-юрт дардини юракдан ҳис этиб, уларга доимо ёрдам қўлини узатаётган фидойи депутатларимиздан бениҳоя мамнунмиз.

**Миркомил АЛИМОВ.**
**Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги Юқори Мачай қишлоғи.**

*Жонкуярларимиз*

## ИШЛАБ ЧАРЧАМАЙДИГАН РАИС

***Бизнинг Ибрат номли маҳалламизга Карим ака Ўтанбоевнинг оқсоқолликка сайланганига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ, бироқ у бирор лаҳза тиниб-тинчимайди, қисқа вақт ичида маҳалла фаоллари, кўпни кўрган кексалар билан бамаслаҳат ишлаб, бир қанча эзгу ишларни амалга оширди.***

Маҳалланинг ёш футболчиларига амалий кўмак бериб, уларни қўллаб-қувватлагани, буткул ажралиб кетиш арафасида бир ёш оилани яхши панд-насиҳатлари билан тиклагани, кексаю дардмандалар ҳолидан эртаю кеч хабар олиб тургани, жамики савоб юмушларнинг бошида бўлаётгани... Хуллас, бу инсон доимо одамлар ташвиши билан яшайди. Бор тажрибасини шу ишга сарф қилади. Карим Ўтанбоев бундан ўн йилларча аввал ҳам оқсоқолликда анча-мунча тажриба тўплаганди. Бироқ, бугунги талаблар бошқача. Эндиликда оқсоқол фидойи ва жонкуяр бўлмаса, одамлар ишончини қозонмаслиги мумкин. У маҳалла муаммоларининг ечимини топиш борасида Ўткиржон Шокиров, Тоиржон Ҳожиев, Омонжон Эрматовлар билан тез-тез маслаҳатлашишади.

Карим Ўтанбоев катта мақсадлар йўлида ишлаб чарчамайдиган инсон. Маҳалла кишиларининг инсоний фазилатлари эса унга куч-қувват ато этади, кўнглини кўтаради, вужудга бардамлик бағишлайди.

**Ҳамид ҒИЁСОВ.**

**Фарғона вилояти**

*Муштарий мадҳ этади*

## ҲЕЧ СЎНМАС ҚУЁШИНГ

Кўчаларинг гулу гулзор
Анҳорларинг шарқироқ,
Кексаларинг донишмандdir,
Ўғил-қизинг шод, қувноқ.

Бағринг кезсам, илҳом қайнар
Кўнгилларда қўшиқ кўп.
Сенда игна тутмаган қиз,
Шеър айтмаган йигит йўқ.

Четдан меҳмон келса агар
Дастурхонинг очиқ, мўл.
Содда халқим табассуми
Дилдан дилга ўтар йўл.

Жон маҳаллам, истиқлолдай
Ҳеч сўнмас қуёшинг бор!
Ёшу кексанг мард ва сахий
Яшар озод, бахтиёр.

**Ўғилой ЙЎЛДОШЕВА.**
**Жиззах вилояти,**
**Дўстлик туманидаги**
**Навбаҳор маҳалласи.**




*Арзиҳол*

## «ОЛТИН ТОПГАН» ШУНЧА ОЛИСМИ?

***Биз - бор йўғи учта хонадон, Бектемир туманининг Олтинтопган кўчасида яшаймиз. Яшаш жойимиз шаҳарнинг шундоқ биқинида бўлгани билан бу ерда биздан бошқа ҳеч ким турмагани учун кўчамиздан шаҳар транспорти қатнамайди.***

Икки йил олдин мен уйимга телефон алоқаси ўрнаттиргандим. Турли вазиятларда кунимизга яраб қолди деб ўйлагандим. Аммо телефон икки йилдан бери бирон марта ҳам жилла қурса бир ҳафта узилишсиз ишламади. Икки кун ишласа, тўрт кун бузуқ. Туман алоқа бўлими мутасаддиларига учрашавериб ҳориб кетдим.

Учта хонадонда яшовчи бешта оилада албатта ёш болалар, қария кексалар бор. Зарур бўлганда ҳатто «Тез ёрдам» чақириш учун ҳам беш чақирим пиёда юриб шаҳарга келиш керак.

**Елена ДОЛГОВА.**

**Тошкент шаҳар Бектемир тумани.**

